«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ» АЖ

2023 йил/йиллик ҳисобот

Мундарижа:

Биржа ҳақида 2

Фаолиятнинг асосий натижалари 4

Кузатув кенгаши раиси мурожаати 5

Бош директор мурожаати 7

ЎзРВБ миссияси, ёндашуви ва фаолият мақсадлари 10

2023 йил учун асосий мақсад ва вазифалар 12

2023 йил учун Ривожланиш стратегияси 13

Ривожланиш стратегиясини амалга ошириш 15

Халқаро ҳамкорлик ва коммуникациялар 20

Асосий воқеалар 23

Молиявий натижалар шарҳи 25

Жами даромад (фойда ва зарар) тўғрисида ҳисобот 26

Операцион фаолият натижалари 29

Биржа бозорлари шарҳи 30

Валюта бозори 32

Пул бозори 34

Давлат қимматли қоғозлари бозори 37

Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш 41

Оммавий коммуникацияларни ривожлантириш ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик 42

Кадрлар сиёсати 43

Корпоратив бошқарув 47

Биржа ҳақида

Умумий маълумот

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (кейинги ўринларда ЎзРВБ деб аталади) 1992 йил 12 майда ташкил этилган ва республикада биржа хизматларининг барча турларини, шу жумладан валюта, пул бозорлари, давлат қимматли қоғозлари ва деривативлар бозорларида савдоларни ташкил этувчи, шунингдек, пре-трейдинг ва пост-трейдинг хизматларини кўрсатувчи энг йирик кўп функцияли биржа ҳисобланади.

ЎзРВБнинг универсал савдо дастурий комплекси савдо иштирокчилари ва инвесторлар учун кенг кўламли савдо стратегияларини тақдим этади, бу эса турли хил биржа инструментларида операцияларни амалга ошириш имкониятини тақдим этиб, ликвидликни бошқариш ва инвестиция стратегияларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

2024 йил 1 январ ҳолатига кўра, ЎзРВБ аъзолари - капитал бозорининг профессионал иштирокчилари, шу жумладан 35 та тижорат банки ва 2 та брокерлик ташкилотларидан иборат бўлган.

ЎзРВБ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тў'рисида”ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2018 йил 10 июлда берилган 1-сонли лицензияга асосан фаолият юритади.

Валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари, деривативлар олди-сотдиси бўйича савдоларни ташкил этиш ва улар билан боғлиқ бошқа биржа битимларини тузиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан кредит ва депозит аукционларини, шунингдек банклараро пул бозорини ташкил этиш ҳуқуқини беради.

ЎзРВБ миллий валютадаги ликвидлик маркази ва молиявий ресурсларни жалб қилишга оид асосий платформа ҳисобланиб, республикада биржа инструментлари билан савдо ҳажми бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда ЎзРВБ биржа бозорининг турли сегментларида 18 хилдан ортиқ инструментлар мавжуд.

ЎзРВБ биржа бозорларида клиринг ташкилоти ва Марказий контрагент вазифасини бажарувчи "Миллий клиринг маркази" АЖ муассиси ҳисобланади ва жамиятнинг 100 фоиз акцияларига эгалик қилади.

Биржада тўртта бозор мавжуд, булар: валюта ва пул бозорлари, шунингдек, давлат қимматли қоғозлари ва деривативлар бозорлари.

Валюта бозори чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича банкларарo савдоларни, шунингдек Марказий банк томонидан ўтказиладиган валюта аукционларини қамраб олади.

Пул бозорига банкларарo пул бозори, Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит ва кредит аукционлари, валютавий своп ва РЕПО операциялари киради.

Давлат қимматли қоғозлари бозорида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат ғазна мажбуриятлари ва облигациялари, шунингдек Марказий банк облигациялари билан бирламчи аукционлар ва иккиламчи савдолар ташкил этилган.

Деривативлар бозорида икки томонлама узлуксиз аукцион (метчинг) усули билан базавий активи АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси ҳисобланган ҳисоб-китоб валютавий фьючерс контрактлари билан савдолар ўтказилади.

Ягона савдо платформасида бир нечта биржа сегментлар интеграцияси, шунингдек, халқаро стандартларга жавоб берадиган ва савдоларнинг узлуксизлигини таъминлайдиган ЎзРВБ томонидан ишлаб чиқилган (in-house) замонавий савдо-клиринг ва ҳисоб-китоб инфратузилмасининг мавжудлиги ЎзРВБ биржа савдолари тизимининг рақобатдош афзаллиги ҳисобланади.

ЎзРВБда пост-трейдинг хизматлари ҳисоб-китоблар ва клирингни амалга ошириш, давлат қимматли қоғозларини сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг депозитар ҳисобини юритишни ўз ичига олган.

Пост-трейдинг хизматлари ЎзРВБнинг ўз ҳисоб-китоб, клиринг ва депозитарий тизими орқали амалга оширилади ва, шу билан, хизматларнинг тезлиги ва узлуксизлиги таъминланади. ЎзРВБнинг ҳисоб-китоб тизими замонавий дастурий инфратузилма асосида яратилган бўлиб, ҳисоб-китоб операцияларини тезкор амалга оширишга имкон беради.

Фаолиятнинг асосий натижалари

Савдо қатнашчилари/ ЎзРВБ аъзолари	Бозорлар/ инструментлар		2021 йил		2022 йил		2023 йил		2023 йилда даромад таркиби
			Савдо ҳажмлари (трлн. сўм)	Воситачилик даромади (млрд. сўм)	Савдо ҳажмлари (трлн. сўм)	Воситачилик даромади (млрд. сўм)	Савдо ҳажмлари (трлн. сўм)	Воситачилик даромади (млрд. сўм)	
35та тижорат банки	**Валюта бозори**	USD/UZS, EUR/UZS, RUB/UZS, CNY/UZS жуфтликлари бўйича спот операциялари	217,76	58,73	▲55,30% 338,18	▼2,46% 57,29	▲35,43% 458,00	▲28,02% 73,35	Воситачилик даромади: **91,41 млрд. сўм**
2 инвестиция компанияси	**Пул бозори**	UZS, USD, EUR, RUB, CNY иштирокида дилерлараро своп операциялари	143,27	2,15	▲89,38% 271,31	▲58,25% 3,40	▲77,99% 482,90	▲97,58% 6,72	Фоиз даромади: **11,78 млрд. сўм**
		Марказий банкнинг своп аукционлари							
		Банклараро пул бозори							
		Марказий банкнинг депозит аукционлари							Бошқа даромадлар: **0,33 млрд. сўм**
		Марказий банкнинг тўғридан-тўғри РЕПО операциялари							
		ДҚҚ билан дилерлараро РЕПО битимлари							
	Фонд бозори	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқарилган ДҚҚ	28,18	5,51	▲245,22% 97,29	▲245,00% 19,01	▼39,78% 58,59	▼40,31% 11,34	Жами 2023 йилда: **103,52 млрд. сўм**
		Марказий банк облигациялари							
	Деривативлар бозори	Валютавий фьючерс шартномалари					0,04		

Изоҳ: олдинги даврга нисбатан ўзгариш.

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ Кузатув кенгаши раиси мурожаати

Эътиборингизга “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботини ҳавола этаман.

2023 йилда ЎзРВБ 2019-2023 йиллар учун мўлжалланган ривожланиш стратегияси доирасида ўз фаолиятини олиб борди ҳамда савдо иштирокчиларига қулай ва жозибадор савдо стратегиялари ва шароитларни тақдим этди.

Ҳисобот йилида ЎзРВБ таъсисчилигида “Миллий клиринг маркази” АЖ шўъба ташкилоти ташкил этилиб, таваккалчиликни бошқаришнинг самарали тизими барпо этилди. Бугунги кунда, Марказий контрагент ЎзРВБнинг валюта ва деривативлар сегментларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, унинг хизматларини илғор халқаро амалиёт ва стандартларга мувофиқлаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Биржа “экотизими”нинг асосий бўғини сифатида ҳисоб-китоб ва клиринг инфратузилмасини янада такомиллаштириш ЎзРВБ ривожланишининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

ЎзРВБ жамоасининг биржа савдоларининг инновацион механизмларини жорий этиш борасидаги фаолияти, шунингдек, бозорларимиз иштирокчиларининг фаоллиги ошиши натижасида ҳисобот йилида ЎзРВБ барқарор ўсишга, шунингдек, рекорд даражада юқори миқдорий ва сифат кўрсаткичларига эришди.

Натижада, 2023 йилда биржа савдолари ҳажми максимал даражани, яъни **999,52 трлн.сўмни**, соф фойда эса **59,66 млрд.сўмни** ташкил этиб, 2023 йилги бизнес-режа кўрсаткичига нисбатан 20,36 млрд. сўмга ёки **151,80 фоизга** ошди.

ЎзРВБнинг самарали фаолияти ЎзРВБ акциядорлари, мижозлари ва ҳамкорларининг мақсад-манфаатлари мувозанатини таъминловчи Кузатув кенгашининг фаол иштирокида амалга оширилди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгашининг устувор вазифалари, олдинги йилларда бўлгани каби, ташкилотнинг барқарор ривожланишини, унинг фаолиятининг ишончлилиги ва узлуксизлигини таъминлашдан иборат бўлди.

Ходимларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида корпоратив маданиятни яхшилаш, ахборот хавфсизлиги даражасини ошириш, биржа савдолари ва ахборот технологиялари механизмларини такомиллаштириш, хизматлар сифатини янада оширишга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

“Миллий клиринг маркази” АЖ фаолиятини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди, шунингдек, рискларни бошқариш (риск-менежмент) тизимини ҳамда

коррупцияга ва монополияга қарши курашиш соҳасида ЎзРВБ комплаенс-назоратини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кузатув кенгаши ЎзРВБни акциядорлик жамияти сифатида бошқариш масалаларида қонунчилик талабларига риоя қилиш, шунингдек, Ривожланиш стратегияси доирасида тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширди.

2023 йил 23 майда бўлиб ўтган 2022 йил якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг ҳисоботлари тингланди, шунингдек, фаолиятни ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Келгуси йилда биржа инструментларини янада диверсификациялаш, биржа бозорларига қатор инвесторларни жалб этиш чора-тадбирлари доирасида хорижий кастодиан банклар ва инвесторлар билан алоқалар ўрнатиш, уларнинг давлат қимматли қоғозлари бозорида иштирокини таъминлаш ва халқаро стандартларга мувофиқ ЎзРВБни SWIFT халқаро тизимига улаш билан ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш ишлари давом эттирилади.

2024 йилда биржа фаолиятининг барча йўналишларини янада автоматлаштириш, савдо-дастурий мажмуаларини илғор жаҳон амалиётлари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Мурожаатим якунида барча акциядорлар, мижозлар ва ҳамкорларга самарали ҳамкорлик учун, ЎзРВБ жамоасига меҳнат ва садоқат, вазифаларга масъулият билан ёндашганликлари ва 2023 йилда эришилган юқори натижалар учун миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Б. Ю. Абубакиров
ЎзРВБ Кузатув кенгаши раиси

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ Бош директори мурожаати

Ҳурматли акциядорлар, ҳамкасблар!

ЎзРВБнинг 2023 йилда ривожланиш йўналишлари биржа бозорларининг бугунги тенденцияларини, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш, биржа савдосининг янги механизмларини, шунингдек, хатарларни бошқариш ва комплаенс назоратининг самарали тизимини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда белгиланди.

Биржа бозорларининг янада ривожланиши натижасида биз сифатли ва барқарор хизматларни кўрсатишни таъминлаган ҳолда, биржа савдолари ҳажмининг ўсишига эришдик.

Ижобий статистика биржа инструментларининг кенг қаторидан фойдаланишда савдо иштирокчилари фаоллашиши, савдо ҳажмларининг ўсиши, шунингдек, иштирокчиларимиз учун янги савдо стратегияларини тақдим этиш ҳамда қулай шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ бўлди.

Бугунги кунда ЎзРВБ ликвидлик маркази ва ресурсларни жалб қилиш учун асосий савдо майдончаси ҳисобланади ва ҳисобот йилида савдо ҳажмларининг сезиларли даражада ошиши бунинг яққол далилидир.

2023 йилда савдоларнинг умумий ҳажми рекорд даражага етиб, **999,52 трлн. сўмни** ташкил этди. Шу билан бирга, валюта бозоридаги ҳажмлар 2022 йил кўрсаткичларидан 35,43 фоизга, пул бозорида эса 77,99 фоизга ошиб, мос равишда **458,00** ва **482,90 трлн.сўмни** ташкил этди, қарз бозорида савдолар ҳажми **58,59 трлн. сўмга** тенг бўлди.

Ҳисобот йилида ЎзРВБ 2019-2023 йилларга мўлжалланган ҳамда биржа хизматларини янада ривожлантириш, биржа бозорларига суғурта ва инвестиция бизнеси вакилларини жалб қилиш ҳисобига биржа инструментлари қаторини, мижозлар қаторини кенгайтириш, биржа ходимлари ва биржа бозори иштирокчиларининг малакасини ошириш каби масалаларни ўз ичида қамраб олган Ривожланиш стратегияси доирасида ўз фаолиятини давом эттирди.

Ҳисобот йилида мамлакатда илк бор ЎзРВБ таъсисичилигида Марказий контрагент мақомига эга “Миллий клиринг маркази” АЖ ташкил этилиши ЎзРВБда дефолт-менежментнинг самарали тизимини янада ривожлантиришга ва рискларни бошқариш механизмларини кенгайтиришга кўмаклашади.

“Миллий клиринг маркази” АЖнинг Марказий контрагент сифатида фаолияти биржа бозори иштирокчиларининг инфратузилма хатарлари ва харажатларини камайтиришга, турли хил молиявий инструментлар, шу жумладан биржадан ташқари инструментлар бўйича марказлаштирилган клиринг учун шароит яратишга,

шунингдек, капитал бозорига янги иштирокчиларни жалб қилишга ёрдам беришга қаратилган.

Шу билан бирга, ташкилотнинг муваффақиятли фаолиятининг омилларидан бири, ЎзРВБда қабул қилинган кадрлар стратегияси ҳамда ходимларнинг кўп томонлама салоҳиятини кашф этиш, уларнинг доимий касбий ривожланиши, шунингдек ташкилотга тажрибали ва ёш мутахассисларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган кадрлар сиёсати ҳисобланади.

Ҳисобот йилида ушбу соҳада кадрлар танлашнинг кўп босқичли тизимини жорий этиш, шу жумладан ходимларни танлаш ва ёллашнинг комплекс тизимини, шунингдек уларни баҳолаш ва рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари давом эттирилди.

Халқаро муносабатлар соҳасида ЎзРВБ етакчи хорижий биржалар ва халқаро молия институтлари билан, ҳусусан биржа фаолиятини ривожлантириш, корпоратив бошқарув, ахборот технологиялари ва рискларни бошқариш тизимларини такомиллаштириш йўналишларида ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

2023 йилда ЎзРВБ бир қатор нуфузли халқаро тадбирларда иштирок этиб, улар давомида биржа инструментлари қаторини кенгайтириш, ахборот технологияларини ривожлантириш, профессионал иштирокчилар ва инвесторлар учун савдоларда иштирок этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ЎзРВБга аъзолик шартларини соддалаштириш масалалари юзасидан фикр ва тажриба алмашилди, келгусида ҳамкорлик қилиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, 2024 йилда ҳам ЎзРВБ ўз фаолиятида юқори самарадорликка эришиш, рақобатбардошликни ошириш, ЎзРВБнинг ички ва халқаро бозорлардаги мавқеини янада яхшилаш мақсадида стратегик ривожланиш йўналишларига мувофиқ ишларни давом эттиради.

ЎзРВБ капитал бозори инфратузилмасининг асосий иштирокчиси сифатида халқаро стандартлар асосида ўзининг замонавий ва ишончли ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда янги илғор технологияларни ишлаб чиқишга, бизнес-жараёнлар ва биржа савдоларини янада автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

Шунингдек, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз, ЎзРВБ фаолиятининг асосий йўналишлари, яъни ходимларнинг корпоратив бошқарув, рискларни бошқариш, ахборот технологиялари ва дастурлаш йўналишлари бўйича малакасини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва узлуксизлиги тизимини такомиллаштириш, истиқболли ёш мутахассисларни ўқитиш йўналишларига қаратилади.

Биз биржа бозори профессионал иштирокчилари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ҳамкорликнинг турли шаклларидан – ижтимоий тармоқларда ва оммавий нашрларда чиқишлар, телевизион кўрсатувлар, семинарлар, биржа бозорининг турли жиҳатларига бағишланган вебинарлардан фойдаланган ҳолда молиявий саводхонликни ошириш бўйича фаол иш олиб бормоқдамиз.

ЎзРВБда молиявий саводхонликни ошириш чора-тадбирлари доирасида видео тренинглар, ўқув инфографикаларини тизимли жойлаштириш, трейдерлар учун биржа савдоси бўйича вебинар ва ўқув видео дарсликларини ўтказишдан иборат амалиёт жорий этилди.

Бу қаторда, мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек, биржа ва банк-молия соҳаси мутахассисларини жалб этган ҳолда, ЎзРВБ таълим маркази фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, талабалар ва амалиётчиларни биржа симуляторидан фойдаланган ҳолда биржа фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, биржа савдоларини ўтказиш механизмлари билан таништириш мақсадида ЎзРВБда амалиёт ўташни жорий этиш режалаштирилган.

2023 йилда ЎзРВБнинг янги ўрта муддатли ривожланиш стратегиясининг ишлаб чиқилиши бошланган бўлиб, уни 2024 йилда тасдиқлашни режалаштирдик. Ушбу стратегия биржа фаолиятининг асосий йўналишларини янада ривожлантиришни, шу жумладан, биржа хизматлари қаторини кенгайтиришни, ЎзРВБ биржа бозорларига хорижий инвесторларни кенг жалб қилишни, янги дастурий маҳсулотларини жорий этишни ва бошқаларни ўз ичида қамраб олмоқда.

Сифатли хизмат кўрсатиш, барча иштирокчиларимизни тенг шароитлар ва биржа инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб, унинг долзарблиги ҳамон сақланиб келмоқда.

Мен, барча акциядорлар ва ҳамкорларимизга ишонч ва самарали ҳамкорлик учун, ходимларга саъй-ҳаракатлари ва ҳамжиҳатликдаги фаолиятлари учун, 2023 йилда муҳим натижаларга эришишга қўшган ҳиссалари учун миннатдорчилик билдираман.

Р. Р. Усманов
ЎзРВБ Бош директори

ЎзРВБ миссияси, ёндашуви ва фаолият мақсадлари

ЎзРВБ Ривожланиш стратегиясига мувофиқ, ***ЎзРВБ миссияси*** биржа савдоларининг янги имкониятларини жорий этиш ва республикада қулай инвестиция муҳитини ривожлантириш учун ишончли, шаффоф ва инновацион биржа бозорини шакллантириш орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва реструктуризациясига кўмаклашиш деб эътироф этилади.

ЎзРВБ ёндашуви – кўп функцияли ва юқори технологияли биржа платформаси сифатида биржа бозорининг барча иштирокчиларига кенг доирадаги биржа маҳсулотлари ва хизматларидан ишончли ва шаффоф фойдаланиш имконини яратиш.

ЎзРВБнинг мақсади бўлиб биржа бозорининг ҳажми ва ликвидлигини оширишни таъминловчи биржа савдоларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, юқори технологияли инфратузилмани жорий этиш ва биржа маҳсулотларини диверсификация қилиш орқали регуляторга пул-кредит ва валюта сиёсати мақсадларига эришишда кўмаклашиш ҳисобланади.

ЎзРВБнинг ***корпоратив қадриятлари***:

Ходимлар:

- Жамоавий ва ҳамжиҳатликда фаолият
- Ходимлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ўзаро кўмак
- Ходимларга ғамхўрлик қилиш ва уларнинг салоҳиятини ошириш
- Ўзаро ишонч

Иш самарадорлиги ва инновациялар:

- Интизом (ижро интизоми ва ахлоқий меъёрларга риоя қилиш)
- Кенг қамровли таҳлил асосида қарорлар қабул қилиш
- Инновацияларни жорий этиш ва ривожлантириш

Мижозларга эътибор:

- Технологиялар, энг аввало, мижознинг манфаатларига хизмат қилади
- Инвестиция қилиш учун шароит яратиш
- Мижозларнинг ишончи
- Мижозларни билиш ва тушуниш

ЎзРВБ фаолиятининг асосий мақсадлари:

- биржа бозорларини ташкил этиш ва тартибга солишни таъминлаш, талаб ва таклиф асосида биржа инструментларини котировка қилиш;
- ЎзРВБ ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб молия-хўжалик фаолиятидан фойда олиш;
- биржа бозорларининг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш, биржа савдоларида нархлар шаклланиши эркинлиги ва шаффофлигини таъминлаш;
- савдо иштирокчиларига самарали ва ишончли хизмат кўрсатиш учун инфратузилмани ривожлантириш.

Ўз мақсадларига эришиш учун ЎзРВБ қуйидаги йўналишлар бўйича фаолиятни амалга оширади:

- қуйидаги савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш:

  - чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича банкларо биржа савдолари;

  - давлат қимматли қоғозларининг (ДҚҚ) бирламчи жойлаштирилиши ва иккиламчи савдолари;

  - тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича банкларо савдолар;

  - Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит аукционлари;

  - деривативлар билан биржа савдолари;

- ДҚҚни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш;
- миллий ва хорижий валютадаги биржа битимлари бўйича клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- биржа воситаларининг талаб ва таклиф нисбати асосида уларнинг котировкаларини (нархларини) белгилаш, чет эл валютаси билан савдоларда миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилаш;
- биржа бозори индикаторларини шакллантириш ва уларни ЎзРВБ расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларда мунтазам равишда эълон қилиш;
- ЎзРВБ аъзолари учун мажбурий бўлган биржа савдолари қоидаларини, шунингдек намунавий шартномалар ва тузилган битимларни расмийлаштириш учун стандарт ҳужжатлар шаклларини ишлаб чиқиш;
- трейдерларнинг касбий малакасини юқори даражада сақлаши учун шароитлар яратиш;
- биржа савдолари иштирокчиларини савдолар натижалари тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш, уларга зарур маслаҳат ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш;
- ЎзРВБ самарали фаолият юритиши учун савдо-дастурий ва автоматлаштирилган комплексларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

2023 йил учун асосий мақсадлар ва вазифалар

2023 йилда ЎзРВБ фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари, шунингдек устувор йўналишлари ЎзРВБ Устави, Ривожланиш стратегияси ва Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ, шунингдек, ташкилотнинг потенциал имкониятлари ва истиқболли ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

ЎзРВБ фаолиятининг 2023 йилга мўлжалланган асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар белгиланган:

амалдаги биржа инструментларини тарғиб этиш ва янги биржа инструментларини жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

ахборот-коммуникация технологиялари ва умуман биржа инфратузилмасини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга ошириш, пост-трейдинг хизматларни янада ривожлантириш;

ЎзРВБнинг барча бозорларида савдо ҳажмларининг ижобий ва бир меъёрда ўсиш суръатини сақлаб қолиш;

корпоратив бошқарувнинг илғор усулларини жорий этиш орқали бизнес жараёнларини оптималлаштириш;

юқори молиявий кўрсаткичларга эришиш ва харажатларни оптималлаштиришга қаратилган зарур чораларни кўриш;

рискларни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

кадрлар билан таъминлашнинг барқарор тизимини ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш;

ўзаро англашув ва ҳамкорлик меморандумлари доирасида амалдаги ҳамкорлар билан алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда янги потенциал ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўйиш;

коммуникациялар ва жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш.

Биржа фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан ташкилотнинг потенциал имкониятларидан келиб чиқиб мавжуд ***биржа инструментларини тарғиб этиш ва жорий қилиш*** учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган:

турли валюта жуфтликлари, шу жумладан миллий валюта иштирокида савдоларни ташкил этишни назарда тутувчи валюта бозорининг биржа инструментлар қаторини диверсификациялаш;

турли валюталар иштирокида янги биржа инструментларни жорий этиш учун савдо тизимларини тайёрлаш;

валютавий своп инструментини янада тарғиб этиш учун шароит яратиш ва бозор иштирокчилари учун янги савдо стратегияларни тақдим этиш;

РЕПО операцияларини, шу жумладан дилерлараро, тўғридан-тўғри ва тескари РЕПО операцияларини янада оммалаштириш, ЎзРВБ платформасида РЕПО саватини (repo basket) стандартлаштирилган муддатлар кесимида жорий этиш;

пул бозорининг “бенчмарки”ни шакллантириш учун турли муомала даврига эга бўлган ДҚҚнинг чиқарилиш частотаси ва ҳажмини ошириш;

маржинал савдо механизмларини қўллаш (initial margin, hair-cut, mark-to-market);

маркет-датани тарғиб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан Refinitiv ва Bloomberg платформалари орқали;

ЎзРВБнинг барча бозорларида биржа савдоларининг асосий иштирокчиси сифатида маркет-мейкерлик фаолиятини жорий этиш ва ривожлантириш, маркет-мейкерлик дастурларини такомиллаштириш;

биржа савдолари иштирокчилари билан фикр-алмашиш самарали тизимини янада такомиллаштириш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш (консультациялар ва молиявий саводхонликни ошириш).

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш

Ривожланиш стратегияси доирасида инновацияларни жорий этиш ва технологик модернизация йўналишлари бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган:

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш орқали бизнес-жараёнлар ва биржа савдоларини автоматлаштириш бўйича ишларни давом эттириш;

биржа савдолари натижалари бўйича ҳужжатларни шакллантириш, қабул қилиш ва юбориш жараёнларини автоматлаштириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

янги электрон савдо платформаларини яратиш, турли биржа инструментларини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида энг яхши хорижий амалиётларига мувофиқ илғор технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги тизимларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, биржа инфратузилмасининг ишдан чиқишга чидамлилиги ва ишончлилигини таъминлаш;

замонавий веб-технологияларни, хусусан, веб-хизматлар ва мобил иловаларни кенг қўллаш ва янада ривожлантириш;

маркет дата маҳсулотларини жорий этиш.

Пост-трейдинг хизматларини янада ривожлантириш

Ушбу йўналишда барқарор фаолият кўрсатувчи, юқори технологияли ва халқаро стандартлар асосида ҳисоб-клиринг ташкилотини барпо этиш мақсадида юридик шахс шаклида, Марказий контрагент мақомига эга ҳисоб-клиринг марказини ташкил этиш бўйича ташкилий ишлар назарда тутилган.

Ҳисоб-клиринг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, биржа савдолари якунлари бўйича ҳисоб-клиринг операцияларини узлуксиз ўтказиш учун Ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш доирасида клиринг марказининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағини очиш режалаштирилган.

Рискларни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, шунингдек, ушбу йўналиш учун янги дастурий-технологик комплексларни ишлаб чиқиш мақсадида 2023 йилда зарур норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳам кўзда тутилган.

2023 йилда Ривожланиш стратегиясининг амалга оширилиши

Ҳисобот даврида ЎзРВБ фаолиятини янада ривожлантириш, биржа инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди.

Самарали операцион фаолиятни таъминлаш ва бизнес жараёнларини оптималлаштириш мақсадида ЎзРВБда ISO 9001:2015 халқаро стандартига мувофиқ сифат менежменти тизими жорий этилган.

2023 йил феврал ойида “CERT International” томонидан ўтказилган қайта сертификатлаш аудити якунлари бўйича ЎзРВБда сифат менежменти тизимининг ISO 9001:2015 халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи сертификат янгиланди.

Аудитни ўтказган “CERT International” МЧЖ аудиторлари ЎзРВБда сифат менежменти тизими тўлиқ самарали эканлигини ва уни муваффақиятли фаолиятини таъминлаш ва янада ривожлантириш учун барча шароитлар яратилганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, ЎзРВБ ҳисобот йилида ISO 17442 халқаро стандартига мувофиқ юридик шахсларга бериладиган ва молиявий операцияларни амалга оширувчи юридик шахсларни аниқлаш имконини берувчи маълумотлар асосида яратилган LEI халқаро коди (юридик шахсни идентификациялаш халқаро коди) олинди.

ЎзРВБ халқаро LEI кодини олиши SWIFT (халқаро банклараро маълумот узатиш ва тўловларни амалга ошириш тизими) тизимида рўйхатдан ўтиш ва SWIFT кодини олиш жараёнининг оралиқ босқичи ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2023 йилда ЎзРВБ қарз бозори бозорида ДҚҚ илк бор T+2 ҳисоб-китоб режимида жойлаштирилган. Ушбу режим доирасида аукционда сотиб олинган ДҚҚ бўйича якуний ҳисоб-китоблар битимлар тузилган кундан кейинги иккинчи савдо кунида амалга оширилиши назарда тутилган.

Шунингдек, мазкур бозорда ДҚҚ бирламчи жойлаштириш бўйича аукционларда маҳаллий дилерлар орқали давлат қимматли қоғозларини сотиб олган Европа тикланиш ва тараққиёт банки, ICBC (Хитой), Bank Of Georgia (Грузия) каби иштирокчилар ҳисобига йирик хорижий инвесторлар қатори кенгайди.

2023 йилда ДҚҚ бозорида илк маркет-мейкерлар ҳам ўз фаолиятини бошлади. ЎзРВБнинг тегишли қарорига мувофиқ бирламчи дилерлар “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Ипак йўли” АИТБ, “Туронбанк” АТБ ва АТ “Халқ банки”га ЎзРВБ иккиламчи бозорида маркет-мейкер мақоми берилди.

Ушбу тижорат банклари 2023 йил 1 февралдан бошлаб маркет-мейкер вазифасини бажаришни бошладилар.

Бундан ташқари, биржа битимлари бўйича ҳисоб - китоблар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳисобот йилида ЎзРВБ мутахассислари томонидан “one-click” инновацион маҳсулоти - ДҚҚ билан РЕПО битимлари бўйича тўлов ҳужжатларини шакллантириш ва узатиш жараёнини автоматлаштирувчи ноёб тизим жорий этилди.

Ушбу тизим туфайли ўзаро ҳисоб-китоб жараёнлари анча соддалаштирилди ва битимлар натижаларига кўра қимматли қоғозлар харидорининг маблағлари автоматик равишда унинг ҳисобварағидан ечиб олиниб, бир неча дақиқа ичида қимматли қоғозлар сотувчисининг ҳисоб рақамига тушириб берилади.

Асосий инфратузилма бўғини сифатида Марказий контрагент фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

Таъкидлаш лозимки, валюта ва муддатли бозорларда Марказий контрагентнинг бугунги кундаги самарали фаолияти савдо иштирокчиларининг кредит рискларини камайтиришга, биржа операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг тўлиқлигини кафолатлашга, неттинг ва кросс-маржинлаш орқали транзакция харажатларини камайтиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-291-сон қарорига мувофиқ, ЎзРВБ таъсисчилигида “Миллий клиринг маркази” АЖ ташкил этилди.

Бундан ташқари, Миллий клиринг марказининг самарали фаолиятини ташкил этиш, ДҚҚ бўйича депозитар тизимни янада такомиллаштириш, шунингдек, ДҚҚ бозори иштирокчилари ва инвесторлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича ишлар бошланган:

- Марказий банкда “Миллий клиринг маркази” АЖнинг вакиллик ҳисобварағини очиш ва реал вақт режимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш (RTGS);

- ЎзРВБнинг барча бозорларида Марказий контрагент фаолиятини ташкил этиш, дефолт-менежмент тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш;

- ЎзРВБ депозитар тизимининг ДҚҚни сақлаш, ҳисобга олиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи дастурий таъминотига хорижий номинал сақловчи, шу жумладан кастодиан функциясини жорий этиш;

ДҚҚ билан битимлар тузишда қимматли қоғозлар ва пул маблағларини олдиндан депонентлаш талабларини бекор қилиш ва янги ҳисоб-китоб (клиринг) модели доирасида рискларни бошқариш амалиётини жорий этиш;

бозор маълумотларини учинчи шахсларга молиявий маълумот алмашиш протоколи (FIX) ёки стандартлаштирилган API ёрдамида хорижий вендорлар (Bloomberg, Refinitiv, CBonds ва бошқалар) орқали узатиш ҳамда хорижий

инвестиция воситачиларидан савдо буюртмаларини ички тизимлар, шу жумладан буюртмаларни бошқариш тизимлари (OMS) орқали қабул қилиш имкониятларини яратиш.

Шу билан бирга, “Миллий клиринг маркази” АЖнинг стратегик вазифаларидан бири сифатида савдо иштирокчиларига хизмат кўрсатишда уларнинг ягона позицияларини (лимитларини) юритишни назарда тутувчи илғор хорижий тажриба ва энг яхши амалиётларга мувофиқ интеграциялашган клиринг хизматларини тақдим этиш деб белгиланди.

Биржа бозорларида тузилган битимларининг ижросини кафолатли таъминлаш мақсадида клиринг қатнашчиларининг мажбурий бадаллари, воситачилик мукофоти ва ЎзРВБнинг ўз маблағлари ҳисобига ЎзРВБ Кафолат жамғармасини янада кенгайтириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, ЎзРВБнинг амалдаги “Settlements” ҳисоб-китоб тизимини “Миллий клиринг маркази” АЖнинг автоматлаштирилган банк тизимига трансформация қилиш, уни “Банк депозиторларининг миллий ахборот базаси” ва Марказий банкнинг “NARGIS” банклараро тўлов тизими билан интеграция қилиш, Марказий банкда ва бошқа банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда SWIFT тизимига улаш бўйича фаол ишлар олиб борилди.

Шу билан бирга, ЎзРВБнинг “DepoMax” депозитар тизимини модернизация қилиш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар ЎзРВБ ва Марказий депозитарий мижозларининг (омонатчилари) ягона базасини қамраб олиш, шунингдек, ДҚҚ, корпоратив ва бошқа турдаги қимматли қоғозларни қамраб олувчи эмиссиявий қимматли қоғозларнинг ягона маълумотлар базасини юритиш учун технологик имкониятларни яратишга мўлжалланган.

Мазур чора-тадбирлар доирасида ЎзРВБ депозитар тизимида хорижий номинал сақловчиларнинг ҳисобварақлари, тўғридан-тўғри шахсий ҳисобварақлар ҳамда омнибус ҳисобварақларни очиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, хорижий номинал сақловчиларнинг ДҚҚ билан савдоларда, шу жумладан РЕПО битимларида иштирок этиш имконияти таъминланди.

Бундан ташқари, ЎзРВБнинг Ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш доирасида савдо иштирокчилари учун қўшимча қулайликлар яратиш, биржа бозорларига ликвидликни жалб этиш мақсадида 2023 йил давомида ЎзРВБда қуйидаги муҳим ишлар амалга оширилди.

Валюта бозори

Ушбу йўналишда валюта бозорини янада ривожлантириш бўйича ишлар давом этмоқда, жумладан:

валюта бозорида етарлича ликвидликни (евро, Хитой юани, Россия рубли бўйича) шакллантириш ва савдо ҳажмларини ошириш учун тегишли инструментлар бўйича маркет-мейкерлик дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилган;

валюта спот бозорида мавжуд маркет-мейкерлик дастурлари шартлари қайта кўриб чиқилди, ушбу дастурларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳалари ишлаб чиқилди;

KZT/UZS, EUR/USD, EUR/RUB, USD/RUB, USD/KZT, USD/CNY, RUB/CNY, RUB/KZT валюта жуфтликлари иштирокида савдоларни жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда;

RFQ (request for quotation) - котировка (нарх)ни сўраш буюртмаси асосида валюта спот ва своп бозорларида тизимдан ташқари савдоларни ташкил этиш чора – тадбирлари амалга оширилмоқда;

Экспирация муддати 6, 9 ва 12 ойлик валютавий фьючерс шартномаларини жорий этиш мақсадида савдо қоидалари ва спецификацияларига ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Қарз бозори

Ҳисобот йилида мамлакат капитал бозори тизмида муҳим бўғин сифатида ДҚҚ бозорини янада ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Бозорни янада ривожлантириш, савдо иштирокчиларини фаоллаштириш ва бозор ликвидлигини ошириш мақсадида бирламчи ва иккиламчи дилерлар фаолияти жорий этилди, “Тошкент” РФБ аъзоларини иккала биржа аъзоларини ўзаро тан олиш тамойили асосида ЎзРВБ аъзолигига қабул қилишнинг ягона соддалаштирилган тартиби тасдиқланди.

Суғурта бизнеси, инвестиция ва пенсия жамғармалари ҳамда бошқа йирик корпоратив юридик шахсларни давлат қимматли қоғозлари бозорига жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида “ЎзРВБ” АЖга аъзолик тўғрисидаги тартиб”га ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, 2023 йил январ-феврал ойларида ДҚҚ бозорида етарлича ликвидлик билан таъминлаш мақсадида 5 нафар бирламчи дилерлар билан ДҚҚ бозорида маркет-мейкерлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисида битимлар имзоланди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан ЎзРВБнинг Биржа савдолари бошқармаси таркибида 3 штат бирлигидан иборат Фонд бозорида савдолар бўлими ташкил этилди.

Шунингдек, дилерлар рейтингини шакллантириш ва кейинчалик эълон қилиш механизмини жорий этиш ҳамда уларни ДҚҚ бозорида рағбатлантириш, рейтинг натижаларини кенг жамоатчиликка корпоратив сайт ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар (Facebook, Instagram, Telegram) орқали етказиш мақсадида “ЎзРВБ

аъзолари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Пул бозори

Банкларарo пул бозорини янада ривожлантириш ва ЎзРВБда савдолар ҳажмини ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, жумладан:

RFQ (request for quotation) - котировка (нарх)ни сўраш буюртмаси асосида ҳамда “secure chat”дан фойдаланган ҳолда банкларарo пул бозорининг тизимдан ташқари савдоларини узлуксиз аукцион шаклида ташкил этиш;

банкларарo пул бозорида чет эл валютасида пул маблағларини жойлаштириш ва жалб қилиш бўйича операцияларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ва улар бўйича индикаторларни стандарт муддатлар кесимида эълон қилиш;

Марказий контрагент иштирокида тизимли ва тизимдан ташқари своп операцияларини амалга ошириш;

EUR/USD, EUR/RUB, USD/RUB, USD/CNY, USD/KZT ва RUB/KZT валюта жуфтликлари иштирокидаги своп операцияларини амалга ошириш учун имконият яратиш;

своп бозорида маркет-мейкерлик фаолиятини ва маркет-мейкерлик дастурларини жорий этиш;

“netting” ва “gross” усуллари бўйича ҳисоб-китобларни назарда тутувчи РЕПО операциялари бўйича клиринг механизмларини янада такомиллаштириш;

рискларни бошқариш (дефолт-менежмент) самарали тизимини жорий этиш;

Bloomberg L.P. ва Refinitiv платформалари орқали своп операциялари бўйича маркет-датани узатиш.

Деривативлар бозори

Ушбу сегментда ҳисобот йилида қуйидаги йўналишлар бўйича ишлар бошланган:

ликвидлик провайдери фаолиятини жорий этиш;

EUR/USD, CNY/UZS ва бошқа валюта жуфтликлари иштирокида савдоларни ташкил этиш;

биржанинг барча аъзолари (шу жумладан инвестиция воситачилари) учун деривератив инструментлар билан савдоларда қатнашиш имкониятини яратиш;

ДҚҚнинг даромадлилиги, пул бозори фоиз ставкалари, шунингдек бошқа кўрсаткичлар ва биржа индекслари асосида фьючерс шартномалари бўйича савдоларни ташкил этиш.

Халқаро ҳамкорлик ва коммуникациялар

Халқаро ҳамкорлик соҳасида янги потенциал хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, шунингдек имзоланган меморандумлар ва битимлар доирасида амалдаги ҳамкорлар билан муносабатларни жадаллаштириш масалаларига катта аҳамият берилди. Ушбу йўналишда 2023 йилда ЎзРВБ учун бир қатор муҳим тадбирлар ўтказилди.

2023 йил 16 январ куни ЎзРВБ раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида глобал бозорлар бошқармаси бошлиғи Ян Виллемс бошчилигидаги Clearstream Banking C.A. делегацияси билан учрашув ўтказди, унда Clearstream ва ЎзРВБ ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали шакллари, шу жумладан компаниянинг ЎзРВБ бозорларида хорижий инвесторлар номидан иштирок этиши ва SWIFT тизими орқали халқаро ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

ЎзРВБ ва Clearstream ҳамкорлиги доирасида ЎзРВБ раҳбарияти 2023 йил 11-12 май кунлари София (Болгария) шаҳрида бўлиб ўтган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек МДҲ мамлакатлари учун 17-нчи Clearstream Banking C.A. саммитида иштирок этди.

2023 йил 28 феврал куни ЎзРВБда Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди, унда ЎзРВБ савдо-дастурий комплекслари имкониятлари, банклараро РЕПО бозоридаги сўнгги ўзгаришлар муҳокама қилинди.

Ҳисобот йилининг март ойида Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2022 йилда ЎзРВБ томонидан эришилган ютуқлар, янги маҳсулотлар жорий этилиши ҳамда биржа фаолиятини янада ривожлантириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида ЎзРВБ фаолияти якунлари сарҳисоб қилиниб, жорий этилган янги инструментлар бўйича тушунчалар берилди, биржа платформаларини янада рақамлаштириш ва такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон молия бозорларини ривожлантириш соҳасидаги стратегик ҳамкорлик доирасида 2023 йил 1 июн куни ЎзРВБда Refinitiv компанияси вакили Айгюн Музаффарли билан учрашув бўлиб ўтди.

Томонлар биржа ахборотларини узатиш ва таҳлил қилиш, технологик ечимларни ишлаб чиқиш, ахборот маҳсулотлар қаторини кенгайтириш соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, ЎзРВБ биржа бозорларини янада ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштиришга келишиб олдилар.

2023 йил 28 июль куни ЎзРВБда Осиё тараққиёт банкининг миссияси билан Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик (CAREC) доирасидаги капитал

бозорлар иштирокчиларига техник кўмак кўрсатиш масаласи бўйича учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда биржа бозорларини тартибга солиш, биржа жараёнларини янада рақамлаштириш, барқарор ривожланиш сиёсати лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон капитал бозорини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

2023 йил 30 июндан 7 июлгача бўлган даврда ЎзРВБ Бош директори бошчилигидаги делегация Лондон шаҳрига ташриф буюриб, Bloomberg L.P., Refinitiv, Лондон фонд биржаси, Vermax Ltd. компаниялари билан учрашувлар ўтказди ва ЎзРВБ маркет-датасини халқаро вендорлар платформалари орқали ташқи фойдаланувчиларга узатиш, IT соҳасида тажриба алмашиш, янги биржа инструментларини жорий этиш, шунингдек, ЎзРВБ бозорларига хорижий институционал инвесторларни жалб қилиш масалаларини муҳокама қилди.

Ташриф давомида ЎзРВБ ва Bloomberg L.P. компанияси ўртасида маркет-датани ушбу компания платформаси орқали ташқи фойдаланувчиларга узатиш бўйича стратегик битим имзоланди.

2023 йил 2 август куни ЎзРВБда Корея Марказий банки ва Донгук Корея университети вакилларидан иборат қўшма делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув натижаларига кўра Марказий контрагент фаолиятини ривожлантириш масалаларида ҳамкорлик ва тажриба алмашишни йўлга қўйиш, икки мамлакат қимматли қоғозлар бозори инвесторлари ва иштирокчилари учун қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида ДҚҚ ва бошқа биржа инструментлар иштирокида битимлар бўйича ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш бўйича келишувга эришилди.

2023 йил 23 августда Туркия, Греция ва МДҲ мамлакатлари мижозлари билан ишлаш йўналиши директори Алев Алп Эсен бошчилигидаги Refinitiv компанияси делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув якунида Refinitiv платформасидаги ЎзРВБ саҳифасини янада такомиллаштириш, унинг халқаро молия бозори иштирокчилари ўртасида тарғиб этиш, ЎзРВБ тақдим этаётган маълумотлар қамровини кенгайтириш бўйича келишувга эришилди.

2023 йил 7 сентябрда ЎзРВБ вакиллари CBonds-Congress компанияси (Россия) томонидан ташкил этилган “Ўзбекистон Республикаси капитал бозори” V халқаро конференциясининг пленар муҳокамаларида иштирок этдилар.

2023 йил 8 сентябрь куни ЎзРВБда “Қирғизистон фонд биржаси” АЖ (ҚФБ) раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув давомида ЎзРВБ ва КФБ ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари, жумладан, валюта ва ДҚҚ бозорларини ривожлантириш бўйича тажриба алмашиш,

шунингдек, савдо-дастурий комплексларни ривожлантириш ва ЎзРВБ савдо платформаларини тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди.

2023 йил 21 сентябрь куни ЎзРВБда Bloomberg L.P. компаниясининг ривожланаётган бозорларда бизнесни ривожлантириш йўналиши директори Peter Jonston бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда ЎзРВБнинг Bloomberg платформаси орқали ташқи фойдаланувчиларга маркет-датани узатиш, тақдим этилаётган маълумотлар турлари ва қамровини кенгайтириш, Bloomberg таҳлилий платформаларидан фойдаланиш юзасидан тажриба алмашиш, шу жумладан, ДҚҚ бўйича даромадлилик эгри чизиғини яратиш бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

2023 йил 22-28 октябрь кунлари ЎзРВБ вакилларининг “Москва биржаси” гуруҳига кирувчи ташкилотларга ишчи ташрифи бўлиб ўтди, унда “Миллий клиринг маркази” АЖ, “Миллий ҳисоб-китоб депозитарийси” АЖни ташкил этиш, “Миллий клиринг маркази” АЖ тузилмаси, асосий вазифалари ва функциялари, тақдим этилаётган хизматлар, дастурий таъминотлар, Марказий контрагент фаолиятини жорий этиш, шунингдек, муддатли бозорнинг асосий тамойиллари ва савдо тизимларига қўйиладиган талаблар масалалари бўйича тажриба алмашилди.

Шунингдек, ЎзРВБ вакиллари 2023 йил 13-17 ноябрь кунлари Олмаота шаҳрида ташкил этилган МДҲ биржалари халқаро ассоциациясининг умумий йиллик йиғилиши, Халқаро биржа форуми, шунингдек, “Қозоғистон фонд биржаси” АЖнинг 30 йиллиги муносабати билан тантаналарда иштирок этди.

Бундан ташқари, 2023 йил давомида Bloomberg L.P. компанияси вакиллари, технологик маҳсулотлар ва IT ечимларни яратишга ихтисослашган Vermax Ltd. компанияси билан биржа бозорлари, уларни тартибга солиш ва технологик масалалар бўйича консультацион кўмак кўрсатиш бўйича ишчи ва маслаҳат учрашувлари ўтказилди. Учрашувларда хорижий инвесторларнинг ЎзРВБ бозорларида иштирок этиши, технологик платформаларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, шунингдек, ЎзРВБнинг Bloomberg платформаси орқали маркет-датани узатиш ва ЎзРВБ саҳифасига жойлаштириш йўналишида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Асосий воқеалар

2023 йил 16-17 январь - ЎзРВБ Бош директори София (Болгария) шаҳрида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек МДҲ мамлакатлари учун ташкил этилган 17-нчи Clearstream Banking C.A. саммитида иштирок этди.

2023 йил 1 февраль - иккиламчи бозорда ДҚҚ олди - сотди операциялари ва РЕПО битимлари бўйича маркет-мейкерлик мақоми бирламчи дилерлар "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ, "Ипак йўли" АИТБ, "Туронбанк" АТБ ҳамда АТ "Халқ банки"га берилди.

2023 йил 14 февраль - ЎзРВБ платформасида ДҚҚ илк бор T+2 ҳисоб - китоб режимида жойлаштирилди.

2023 йил 21 февраль - ЎзРВБнинг сифат менеджменти тизими ISO 9001:2015 стандарти бўйича қайта сертификатлаш аудитидан муваффақиятли ўтказилди.

2023 йил 22 февраль - ЎзРВБга LEI коди берилди.

2023 йил 31 март - Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ЎзРВБнинг 2022 йилдаги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

2023 йил 25 апрель - ЎзРВБ аъзолигига "Smart Bank", "APEX BANK", "HAYOT BANK" ва "YANGI BANK" акциядорлик жамиятлари қабул қилинди.

2023 йил 16-18 май - ЎзРВБ Бош директори Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилар Кенгашининг 32-нчи йиллик йиғилишида ва бизнес-форумда иштирок этди.

2023 йил 19 май - ЎзРВБга SWIFT халқаро тизимида BIC коди берилди.

2023 йил 25 апрель - "One-click" – ЎзРВБнинг РЕПО бозорида амалга оширилган операциялар натижаларига кўра тўлов ҳужжатларини шакллантириш ва узатишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилди.

2023 йил 28 апрель - ЎзРВБ "KASE day in Tashkent" конференциясида иштирок этди.

2023 йил 9 июнь - "Portfolio Investments" инвестиция компанияси "B" тоифаси бўйича ЎзРВБ аъзолари таркибига қабул қилинди.

2023 йил 30 июнь - 7 июль – Bloomberg L.P. компаниясининг таклифига биноан ЎзРВБ делегациясининг Лондон шаҳрига ташрифи бўлиб ўтди.

2023 йил 5 июль - Bloomberg L.P. компаниясининг Лондондаги бош офисида ЎзРВБ биржа маълумотларини компания платформаси орқали ташқи фойдаланувчиларга узатиш тўғрисида битим имзоланди.

2023 йил 19 август - ЎзРВБнинг янги сайти ишга туширилди.

2023 йил 7 сентябрь - ЎзРВБ CBonds-Congress компаниясининг "Ўзбекистон Республикаси капитал бозори" V халқаро конференциясида иштирок этди.

2023 йил 22-28 октябрь - ЎзРВБ вакилларининг "Москва биржаси" гуруҳига кирувчи ташкилотларга ишчи ташрифи бўлиб ўтди.

2023 йил 13-17 ноябрь - ЎзРВБ делегацияси Олмаота шаҳрида ўтказилган МДҲ давлатлари биржалари халқаро ассоциациясининг умумий йиллик йиғилишида, Халқаро биржа форумида, шунингдек "Қозоғистон фонд биржаси" АЖнинг 30-йиллиги тантаналарида иштирок этди.

2023 йил 7 ноябрь - ЎзРВБ таъсисчилигида "Миллий клиринг маркази" АЖ ташкил этилди.

2023 йил 8 ноябрь - "Миллий клиринг маркази" АЖ давлат рўйхатидан ўтказилди.

2023 йил 23 октябрь - "Тошкент" Республика фонд биржаси аъзоларини ЎзРВБ аъзолигига қабул қилишнинг ягона соддалаштирилган тартиби тасдиқланди.

2023 йил 4 декабрь - Refinitiv компанияси билан World-Check маълумотлар базасидан фойдаланиш бўйича битим имзоланди.

2023 йил 29 декабрь - ЎзРВБ аъзолари таркибига "Leader Finance Capital", "Premium Finance", "Satori Capital", "Toshkent Investitsiya Majmui" брокерлик компаниялари қабул қилинди.

Молиявий натижалар шарҳи

ЎзРВБнинг молиявий ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тайёрланади.

ЎзРВБ томонидан тўланадиган солиқлар:

Солиқ тури	Ставка
Даромад солиғи	15%
Мулк солиғи	1,5%
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	белгиланган меъёрларга мувофиқ
Ер солиғи	белгиланган меъёрларга мувофиқ
Дивиденд солиғи	5%
Қўшилган қиймат солиғи	12%

Солиқ кодексининг 37-бобининг 209-моддасига асосан ЎзРВБнинг қуйидаги молиявий хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган:

- ✓ *миллий ва хорижий валютадаги операциялар;*
- ✓ *клиринг операциялари;*
- ✓ *чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;*
- ✓ *пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;*
- ✓ *қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан операциялар.*

Ҳисобот йили якунлари бўйича ЎзРВБда муддати ўтган мажбуриятлар (кредиторлик ва дебиторлик қарзларига) мавжуд эмас.


2023 йилда ЎзРВБ харажатларни қатъий назорат қилиш сиёсатини амалга оширишни давом эттириб, биржа инструментларини диверсификация қилиш орқали воситачилик мукофоти бўйича даромадларни ошириш стратегиясига амал қилди.

Жами даромад (фойда ва зарар) тўғрисидаги ҳисобот

Даромадлар. ЎзРВБ даромадларининг асосий манбалари бўлиб биржа савдоларини ташкил этишдан олинадиган воситачилик мукофоти, шунингдек ЎзРВБ бўш пул маблағларини тижорат банкларининг қисқа муддатли депозитларига активларига жойлаштиришдан олинадиган фоизли тушумлар ҳисобланади.


2023 йил якунларига кўра, ЎзРВБ даромадлари таркибида воситачилик мукофоти улуши 88,30 фоизни ташкил этди. Фоиз ва бошқа даромадларнинг улуши мос равишда 11,38% ва 0,32% га тенг бўлди.

Даромад таркиби



ЎзРВБнинг 2023 йилги бизнес-режасига мувофиқ жами даромад ҳажми 86 684,50 млн.сўм миқдорида режалаштирилган. Ҳақиқатда, ҳисобот йили якунлари бўйича ЎзРВБнинг жами даромади 103 523,69 млн. сўмни ташкил этиб, бизнес-режа кўрсаткичларига нисбатан 19,43 фоизга ёки 16 839,19 млн. сўмга ошди.

2023 йил учун жами даромад кўрсаткичлари



Бизнес-режага мувофиқ 2023 йил учун валюта бозори даромадларининг прогноз кўрсаткичлари 63 750,00 млн.сўм даражасида кўзда тутилган бўлиб, бу 2022 йил бизнес-режасида белгиланган мос кўрсаткичдан 63,04 фоизга кўпдир. 2023 йилда валюта бозори бўйича даромадлар прогноз кўрсаткичларининг ҳақиқатда

бажарилиши 73 345,45 млн сўмни ташкил этиб, 2023 йилги бизнес-режадаги прогноз кўрсаткичидан 9 595,45 млн. сўмга ошди.

Шунингдек, ҳисобот йилида пул бозорида савдоларни ташкил этишдан тушган даромаднинг 2022 йилги мос кўрсаткичига нисбатан сезиларли ўсиши (97,58%) кузатилди. Шу билан бирга, қарз бозорида ҳисобот йилида савдоларни ташкил этишдан тушган даромад 2022 йилга нисбатан 40,31 фоизга камайди.

2023 йилда ЎзРВБ бўш пул маблағларини тижорат банкларида қисқа муддатли депозитларга жойлаштиришдан олинадиган даромаднинг прогноз ҳажми 2022 йилги мос кўрсаткичига нисбатан 6,48 фоизга кўпроқ ёки 8 625,00 млн.сўм миқдорида белгиланган.

2023 йилда ЎзРВБ маблағларини жойлаштиришдан ҳақиқатда олинган даромадлар прогноз кўрсаткичдан 3 154,72 млн. сўмга ёки 36,58 фоизга, 2022 йилнинг ҳақиқатдаги ҳажмларга нисбатан эса 43,48 фоизга ошди.

2023 йил якунлари бўйича ЎзРВБнинг жами даромади 2022 йилги кўрсаткичга нисбатан 17,49 фоизга ёки 15 411,84 млн. сўмга ошди.

2022-2023-йиллардаги жами даромад таркиби, млн сўмда

Кўрсаткичлар	2022 йил	2023 йил	23/22 й.	ўзгариш
валюта бозори	57 290,71	73 345,45	16 054,73	28,02%
пул бозори	3 402,32	6 722,16	3 319,85	97,58%
қарз бозори	19 006,75	11 344,53	-7 662,22	-40,31%
деривативлар бозори	0,00	0,63	0,63	
фоизли даромадлар	8 210,09	11 779,72	3 569,63	43,48%
бошқа даромадлар	201,98	331,20	129,22	63,98%
Жами	**88 111,85**	**103 523,69**	**15 411,84**	**17,49%**

Воситачилик мукофоти даромадлари ҳажмининг динамикаси, млрд. сўмда



Харажатлар. 2023 йилда ЎзРВБ умумий харажатларининг прогноз ҳажми 40 445,5 млн. сўм даражасида белгиланган бўлиб, ҳақиқатда қилинган харажатлар ҳажми 32 501,1 млн. сўмни ташкил этди. Натижада, 2023 йил якунлари бўйича тежалган маблағлар миқдори 7 944,4 млн сўмга тенг бўлди.


“ЎзРВБ” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича молиявий-иқтисодий сметаси бажарилиши

млн. сўмда

№	Кўрсаткичлар	*2023 йил*		
		прогноз	*ҳақиқатан*	*фарқи*
1	**Даромадлар, жами** шу жумладан:	**86 685**	**103 524**	**16 839**
	соф тушум	78 060	91 413	13 353
	бошқа даромадлар	-	331	331
	молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар	8 625	11 780	3 155
2	**Ишлаб чиқариш қиймати**	**8 761**	**7 037**	**-1 724**
3	**Давр харажатлари**	**31 684**	**25 461**	**-6 223**
	сотиш харажатлари	6 603	6 367	-236
	маъмурий харажатлар	13 265	9 372	-3 893
	бошқа операцион харажатлар	11 816	9 722	-2 094
4	**Молиявий фаолият харажатлари**	**0,4**	**3,3**	**-2,9**
	фоиз шаклида харажатлар	-		
	валюта курсидаги фарқ туфайли зарар	0,4	3,3	-2,9
	прочие расходы по финансовой деятельности	-		
5	**Даромад солиғини тўлашдан олдин даромад (зарар)**	**46 240**	**71 023**	**24 783**
6	**Даромад солиғи (фойда)**	**6 936**	**11 360**	**4 424**
7	**Соф фойда (зарар)**	**39 303**	**59 663**	**20 360**
8	**EBITDA кўрсаткичи**	**37 614**	**59 580**	**21 966**

Операцион фаолият натижалари

2023 йил якунларига кўра соф фойда 59 662,51 млн. сўмни ташкил этиб, 2022 йилги мос кўрсаткичга нисбатан 8 221,97 млн. сўмга, 2023 йилги прогноз кўрсаткичларига нисбатан эса 20 359,51 млн. сўмга ошди. Шу билан бирга, ҳисобот йилида солиқдан олдинги фойда 71 022,54 млн. сўмни ташкил этиб, 2022 йилги мос кўрсаткичга нисбатан 10 173,13 млн. сўмга ва 2023 йилги прогноз кўрсаткичларга нисбатан 24 783,53 млн. сўмга ошди.



Биржа бозорлари шарҳи

2023 йилда ЎзРВБнинг янги биржа бозорларини ташкил этиш, савдо ҳажмларининг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида илғор халқаро тажриба асосида замонавий, илғор биржа механизмлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилди.

Ҳисобот йили ЎзРВБнинг барча сегментларида ижобий натижалар билан якунланди. ЎзРВБ бозорларида савдо иштирокчилари фаоллиги ошиши натижасида операциялар ҳажми рекорд даражада ўсиши кузатилди.

ЎзРВБ савдо-дастурий комплексининг такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар барча биржа сегментларида операцияларни ўтказиш технологиясини ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг жараёнини модернизация қилишга имкон берди.

ЎзРВБ савдо иштирокчиларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва биржа бозори инфратузилмасини ривожлантириш билан бир қаторда, ликвидлик ҳажмининг ўсишини рағбатлантириш йўналишида тариф сиёсатини такомиллаштиришни давом эттирди.

Бунда, РЕПО бозорининг жозибадорлигини ошириш ва савдо иштирокчилари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида 2023 йил 1 майдан 30 июнгача дилерлараро РЕПО битимлари бўйича воситачилик мукофотини ундирмаслик тўғрисида қарор қабул қилинди.


Ҳисобот йилида ЎзРВБда биржа савдолари ҳажмининг ўсиши ўзининг максимал даржасига етиб, 999,52 трлн. сўмни ташкил этди, бу эса 2022 йилги мос кўрсаткичдан (706,79 трлн. сўм) 41,42 фоиз кўпдир.

ЎзРВБ бозорлари кесимида 2023 йилда валюта бозорида савдолар ҳажми 2022 йил кўрсаткичларига нисбатан 35,43 фоизга, пул бозорида 77,99 фоизга ошган бўлса, қарз бозорида Марказий банк облигациялари чиқарилишининг 2022 йил кўрсаткичларига нисбатан уч баробар қисқарганлиги муносабати билан 39,78 фоизга камайди.

Сўнгги бир неча йил ичида ЎзРВБ биржа инструментларини диверсификациялаш бўйича чора-тадбирлар биржа бозорларининг савдолар умумий ҳажмидаги улушига ўз таъсирини кўрсатди.

2023 йил якунларига кўра, валюта бозорининг савдолар умумий ҳажмидаги улуши 45,82 фоизни (2022 йилда - 47,85 фоиз), пул бозорининг улуши 48,31 фоизни (38,39 фоиз) ва қарз бозорининг улуши 5,86% (13,77%) ни ташкил этди.


2022-2023 йилларда биржа бозорлари улуши




2022-2023 йилларда савдо ҳажми, трлн. сўмда

Биржа бозорлари	2022 й.	2023 й.	ўсиш	
			трлн. сўмда	фоизда
Савдолар умумий ҳажми	**706,79**	**999,52**	**292,73**	**41,42%**
Валюта бозори	**338,18**	**458,00**	**119,82**	**35,43%**
спот	338,18	458,00	119,82	35,43%
Пул бозори	**271,31**	**482,90**	**211,58**	**77,99%**
валютавий своп	0,16	0,48	0,32	200,33%
банкларараро пул бозори	147,82	310,78	162,96	110,24%
депозит аукционлари	122,79	94,49	-28,29	-23,04%
РЕПО битимлари	0,54	77,14	76,60	в 143 раза
Қарз бозори	**97,29**	**58,59**	**-38,70**	**-39,78%**
бирламчи	87,29	47,30	-39,99	-45,81%
иккиламчи	10,00	11,29	1,28	12,82%
Деривативлар бозори	0,00	0,04	0,04	-
валютавий фьючерслар	0,00	0,04	0,04	-

2021-2023 йилларда савдолар умумий ҳажми динамикаси, трлн. сўмда



2021 – 2023 йилларда бозорлар кесимида савдолар ҳажми динамикаси, трлн. сўмда



Валюта бозори


ЎзРВБ валюта бозори республика молия тизимининг энг муҳим бўғинларидан бири, миллий ва хорижий валюталар билан операциялар бўйича ликвидлик маркази хисобланиб, Марказий банкка самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун биржа валюта бозорини ташкил этишда кўмаклашади.

Ҳисобот йилида валюта спот бозорида савдоларнинг умумий ҳажми 2022 йилнинг мос кўрсаткичларига нисбатан 35,43 фоиз ёки 119,82 трлн.сўмга ошиб, 458,00 трлн. сўмни ташкил этди.

АҚШ доллари – сўм. Валюта жуфтликлари саватида ҳисобот даврида АҚШ доллари/сўм инструментининг улуши валюта савдоларининг умумий ҳажмининг 99,97 фоизини ташкил этиб, 457,87 трлн. сўмга тенг бўлди.

Ҳисобот даврида савдолар ҳажми АҚШ доллари эквивалентида 38,97 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 27,62 фоизга ёки 8,44 млрд. АҚШ долларга ошди.


2022-2023 йиллар бўйича савдолар ҳажми, млрд. АҚШ долларида



Марказий банк томонидан ўтказилган иқтисодий шароитлар ва пул-кредит сиёсати таҳлилига кўра, 2023 йилда мамлакатга пул ўтказмалари, экспорт тушумлари ва банк депозитлари кўринишидаги валюта оқимларини кўпайтириш тенденцияси сақланиб қолди.

Евро – сўм. 2023 йилда тижорат банкларининг биржадан ташқари операциялари ҳажмининг ошиши муносабати билан ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан “евро – сўм” жуфтлиги бўйича савдолар ҳажмининг пасайиши кузатилди. Шунга кўра, ҳисобот йилида евро бўйича савдолар ҳажми 4,70 млн. еврони ташкил этиб, 2022 йилги кўрсаткичга (13,78 млн. евро) нисбатан 65,89 фоизга камайди.

2022-2023 йилларда евродаги савдолар ҳажми, млн еврода




Россия рубли - сўм. 2023 йилда ушбу валюта жуфтлиги бўйича савдолар ҳажми 573,10 млн. россия рублини ташкил этиб, 2022 йилдаги мос кўрсаткичга нисбатан 19,40 фоизга кўп бўлди.

Курс динамикаси

Биржа савдоларида миллий валюта курсининг динамикаси валюта бозорида талаб ва таклиф нисбати асосида ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланди.

2023 йил давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан қиймати йил бошига нисбатан 9,67 фоизга камайди (11 263,41 сўмдан 12 352,86 сўмгча).




Пул бозори

Банкларарo пул бозорида республика тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича операциялар, Марказий банкнинг тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича депозит аукционлари, дилерлараро РЕПО битимлари, шунингдек валютавий своп операциялар ўтказилади.

Пул бозори инструментлари савдо иштирокчиларида юқори талабга эга ва уларга қисқа муддатли активларга жойлаштириш орқали пул маблағларини самарали бошқариш имконини беради.


2023 йил якунларига кўра пул бозорида савдолар умумий ҳажми 482,90 трлн. сўмни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос кўрсаткичига (271,31 трлн. сўм) нисбатан 78,00% га ошди.

Пул бозори таркиби




Шу билан бирга, 2023 йилда банклараро пул бозорида савдолар ҳажми 310,6 трлн. сўмга тенг бўлди, бу эса 2022 йил мос кўрсаткичларига (147,82 трлн. сўм) нисбатан 2,1 баробар кўпдир.

2022-2023 йилларда банклараро пул бозорида савдолар ҳажми динамикаси, трлн.сўмда




2022-2023 йилларда савдолар умумий ҳажмидаги стандартлаштирилган муддатлар улуши



2023 йилда банклараро пул бозорида стандартлаштирилган муддатлар кесимида бир кунлик депозитлар улуши (62,38%) юқори бўлиб, 2022 йил кўрсаткичига нисбатан 0,2 фоизга ошди.


Шу билан бирга, ҳисобот йилида 2022 йилга нисбатан, бир кунлик (овернайт) банклараро депозитлар бўйича ўртача тортилган ставка Марказий банкнинг асосий ставкаси яқинида шаклланди.

2022-2023 йилларда банкларарo пул бозорида бир кунлик депозитлар бўйича ўртача тортилган ставка




Ҳисобот йилида Марказий банкнинг депозит аукционларидаги операциялар ҳажми 2022 йилги кўрсаткичга (122,79 трлн. сўм) нисбатан 23,04 фоиз ёки 28,3 трлн. сўмга ошиб, 94,49 трлн. сўмни ташкил этди.

Марказий банкнинг депозит аукционларида жалб қилинган маблағлар ҳажми, трлн. сўмда



2023 йилнинг I чорагида Марказий банкнинг депозит аукционларида ўртача тортилган фоиз ставкалари 15 фоиз атрофида шаклланиб, кейинчалик йил давомида Марказий банкнинг асосий ставкаси (14%) яқинида шаклланиб борди.


2022-2023 йилларда Марказий банкнинг депозит аукционларида ўртача тортилган ставка



2023 йил якунларига кўра, дилерлараро РЕПО операциялари ҳажми 77,14 трлн. сўмга тенг бўлиб, 2022 йилги мос кўрсаткичига (0,54 трлн. сўм) нисбатан 142 баробар ошди.

Дилерлараро РЕПО операцияларининг умумий ҳажмида 1 кундан 7 кунгача бўлган битимлар улуши юқори бўлиб, 97,55 фоизни ташкил этди.

2023 йил якунлари бўйича дилерлараро РЕПО битимлари таркиби



Давлат қимматли қоғозлари бозори


Асосий биржа бозорларидан бири бўлган давлат қимматли қоғозлари бозорида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқариладиган купонли ва дисконтли давлат ғазна мажбуриятлари ва облигациялари, шунингдек Марказий банк облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи савдолар ташкил этилади.

2023 йил якунлари бўйича ДҚҚ бозорида савдолар умумий ҳажми 58,59 трлн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан 39,78 фоизга ёки 38,70 трлн. сўмга пасайди.

Эмитентлар кесимида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг томонидан чиқарилган ДҚҚ билан савдолар ҳажми 32,61 трлн. сўмга тенг бўлди ва 2022 йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан ўсиш 153,94 фоизни (12,84 трлн. сўм) ташкил этди.

Қарз бозорида савдолар ҳажми пасайишининг асосий омили бўлиб Марказий банк облигациялари чиқарилиши ҳажмининг пасайиши ҳисобланади. 2022 йилда Марказий банк облигациялари билан операциялар ҳажми 84,45 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, ҳисобот йили якунларига кўра мос кўрсаткич 25,98 трлн.сўмга тенг бўлиб, 2022 йилги кўрсаткичга нисбатан 69,24 фоизга камайди.

2023 йилда ДҚҚ эмитентлари бўйича савдолар умумий ҳажми динамикаси



Савдолар умумий ҳажми таркибида бирламчи жойлаштириш улуши 80,74 фоизни (47,30 трлн. сўм), иккиламчи савдолар улуши эса 19,26 фоизни (11,29 трлн. сўм) ташкил этди.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида ДҚҚни жойлаштириш таркибида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқарилган ДҚҚ улуши 50,97 фоизни (24,11 трлн. сўм), Марказий банк облигациялари улуши 49,03 фоизни (23,19 трлн. сўм) ташкил этди.

2023 йилда ДҚҚ бозори таркиби




2023 йилда эмитентлар кесимида ДҚҚ чиқарилиши таркиби



2023 йил давомида 59 та аукцион ўтказилган бўлиб, улар натижасида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг номинал қиймати 24,83 трлн.сўмлик облигациялари жойлаштирилди, бунда савдолар ҳажми 24,11 трлн. сўмни ташкил этди.


ДҚҚни жойлаштиришда ўртача тортилган даромадлилик 15,91 фоиздан 18,19 фоизгача бўлган оралиқда ўзгариб турган. Ҳисобот даврида битта аукционда жойлаштирилган ҳажмлар 34,48 млрд.сўмдан 2 867,39 млрд. сўмгача бўлди.

2023 йилда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат қисқа муддатли мажбуриятлари бўйича савдолар ҳажми ва даромадлилиги



2023 йилги таҳлил натижаларига кўра, ДҚҚни жойлаштириш таркибида муомала муддати бир йилгача бўлган ДҚҚни улуши юқори бўлиб, савдолар умумий ҳажмининг 67,36 фоизини ташкил этди.

Муомала даври бўйича ДҚҚ чиқарилиши таркиби



Депозитар фаолият

2023 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, ЎзРВБ депозитарийси ҳисоб регистрларида номинал қиймати бўйича сақланаётган ДҚҚ ҳажми 2022 йил кўрсаткичига нисбатан 5,75 фоизга камайиб, 26 142,36 млрд.сўмни ташкил этди.

Ҳисобот йилида муомала даври бир йилгача бўлган ДҚҚ улуши юқори бўлди. Шунга қарамай, ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг муомаладаги улуши ошди.

2022-2023-йилларда ЎзРВБ депозитарийсида ҳисобга олинган муомаладаги ДҚҚ ҳажми

млрд. сўмда

Муомала даври	2022 йил 31 декабрь ҳолатига	2023 йил 31 декабрь ҳолатига	Ўзгариш
3 ойгача	14 700,00	4 675,86	-68,19%
3 ойдан 6 ойгача	4 303,38	2 101,73	-51,16%
6 ойдан 1 йилгача	3 592,30	0,00	-100,00%
1 йилдан 5 йилгача	4 832,22	17 855,22	269,50%
5 йилдан 10 йилгача	310,00	1 509,55	386,95%
Жами	**27 737,90**	**26 142,36**	-5,75%

2023 йил 31 декабрь ҳолатига кўра эмитентлар кесимида ЎзРВБ депозитарийсида ҳисобга олинган муомаладаги ДҚҚ ҳажми

млрд. сўмда

Муомала даври	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқарилган ДҚҚ	Марказий банк облигациялари	Жами
3 ойгача	0,00	4 675,86	4 675,86
3 ойдан 6 ойгача	2 101,73	0,00	2 101,73
6 ойдан 1 йилгача	0,00	0,00	0,00
1 йилдан 5 йилгача	17 855,22	0,00	17 855,22
5 йилдан 10 йилгача	1 509,55	0,00	1 509,55
Жами	**21 466,50**	**4 675,86**	**26 142,36**

Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши кураш

Корпоратив бошқарувининг илғор амалиётларини жорий этиш, ташкилот фаолиятининг қонунчилик талабларига мувофиқлигини назорат қилиш зарурати ҳамда ташқи таҳдидлар ЎзРВБга комплаенс соҳасида самарали сиёсатни жорий этиш учун омил бўлди. Бугунги кунда ЎзРВБнинг комплаенс сиёсатига риоя қилиш доирасидаги асосий мақсадлари бўлиб бизнес этикаси ва ташкилот қадриятларининг юқори стандартларига мувофиқ фаолиятни амалга ошириш, ходимлар манфаатлари тўқнашувининг олдини олиш, комплаенс маданиятини жорий этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши сиёсат йўналишининг устуворлигини, шунингдек, ЎзРВБнинг халқаро мақоми ва ижобий имижини мустаҳкамлаш, биржа бозорларига хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида ЎзРВБнинг халқаро майдонда олиб бораётган фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, ЎзРВБда коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назоратининг самарали тизими жорий этилди.

ЎзРВБ ташкилий тузилмасида Юридик таъминот ва комплаенс-назорат бўлими ташкил этилган бўлиб, ЎзРВБ ходимларининг корпоратив этика ва хулқ-атвор нормалари кодекси, ЎзРВБнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Коррупцияга қарши курашиш хатарларини баҳолаш методикаси тасдиқланди, ЎзРВБ ходимларини ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳаларида ўқитишни ташкил этиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди.

Бўлимнинг асосий вазифаларига коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ва ташкилотдаги ички норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш, уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, ЎзРВБ ходимларининг хатти-ҳаракатларидаги коррупция таҳдидлари ва қоидабузарликлар тўғрисидаги шикоятлар ва аноним хабарларни кўриб чиқиш ҳамда тегишли чоралар кўриш киради.

Бўлим, шунингдек, коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва раҳбариятга тасдиқлаш учун киритади, уларнинг комплаенс экспертизасини ўтказади, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга олиб келган шароитлар ва сабабларини ўрганади, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Бўлим мунтазам равишда ходимлар билан профилактик суҳбатлар ўтказади, коррупцияга қарши курашиш ва ташкилот ичидаги коррупциявий хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасизликни шакллантириш масалалари бўйича семинарлар, вебинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади.

Оммавий коммуникацияларни ривожлантириш ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик

Бугунги кунда ЎзРВБ оммавий ахборот воситалари орқали ташкилот фаолиятини кенг ёритиш, шунингдек, ўз ресурслари, шу жумладан биржа фаолиятига бағишланган тақдимот материаллари ва видеолавҳалардан фойдаланган ҳолда фаол PR кампаниясини олиб бормоқда.

Ҳисобот йилида ҳам турли телеканалларда мунтазам равишда телекўрсатувлар намойиш этилиб, биржанинг масъул ходимлари иштирокида ЎзРВБ фаолияти тўғрисида матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиб келинди. Мунтазам равишда биржа маълумотлари, турли инфографикалар ЎзРВБ расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда жойлаштириб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 31 март куни Ўзбекистон Республикаси ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ЎзРВБнинг 2022 йилдаги фаолиятига ва истиқболдаги режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир давомида ЎзРВБ фаолияти натижалари, биржа бозорлари шарҳи, 2022 йилда жорий этилган янги биржа инструментлари тўғрисида тўҳталиб, ЎзРВБ савдо платформаларини янада рақамлаштириш ва технологик имкониятларини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ижтимоий коммуникацияларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари доирасида ЎзРВБ фаолияти бўйича нашр этиладиган нотўғри ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга ЎзРВБ расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар орқали расмий баёнотлар, жавоб ва раддияларни эълон қилиш амалиёти жорий этилди.

2023 йилда ЎзРВБнинг коммуникацияларни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти ЎзРВБ вакиллари иштирокидаги тадбирларни мунтазам ёритишга, биржа ва бошқа маълумотларни кенг жамоатчиликка, шу жумладан расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали етказишга қаратилди.

Бундан ташқари, ҳисобот йилида бугунги кундаги замонавий тенденциялардан келиб чиқиб ЎзРВБнинг янги расмий веб-сайти ишлаб чиқилди, қулай ва ихчам дизайн ҳамда интуитив навигацияга эга бўлди, унинг функционаллиги кенгайтирилди, янги бўлимлар яратилиб, тегишли контент билан тўлдирилди.

Кадрлар сиёсати

ЎзРВБ самарали фаолиятининг муҳим омили бўлиб ходимларнинг ҳар томонлама салоҳиятини кашф этиш, уларнинг доимий касбий ривожланиши, шунингдек, ташкилотга тажрибали ва ёш мутахассисларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган кадрлар сиёсати ҳисобланади.

ЎзРВБ кадрлар сиёсати қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олади:

ходимларни танлаш ва рағбатлантириш, юқори малакали мутахассисларни сақлаш;

ходимларни касбий ўқитиш ва ривожлантириш;

ходимларнинг салоҳиятини кашф этиш, юқори натижаларга эришиш ва ташкилотнинг стратегик мақсадларини амалга оширишга кўмаклашувчи корпоратив маданиятни такомиллаштириш.

Ходимларни самарали бошқаришнинг асосий устувор йўналишлари бўлиб касбий ва шахсий фазилатлар бўйича кадрларни танлаш ва жойлаштириш, билим ва тажриба узлуксизлиги, маълум бир лавозимга тайинлаш учун ходимлар салоҳиятини аниқлаш, уларнинг содиқлигини ошириш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ҳисобланади.

ЎзРВБда олиб борилаётган кадрлар сиёсати доирасида 2023 йилда қуйидаги ишлар давом эттирилди:

ЎзРВБ фаолиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда ходимларни рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;

ЎзРВБ кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш, одоб-ахлоқ ва корпоратив этика кодексини жорий этиш;

кадрлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

асосий ходимлар малакасини, шу жумладан корпоратив бошқарув соҳасида мунтазам равишда ошириб бориш;

биржа савдоларини ривожлантириш соҳасида етакчи хорижий биржалар ва молия ташкилотлари билан тажриба алмашиш.

Шунингдек, ташкилот асосий ходимларининг, шу жумладан корпоратив бошқарув соҳасида малакасини оширишга, кадрларни тайёрлаш ва узлуксизлиги тизимини такомиллаштиришга, истиқболли ёш мутахассисларни ўқитишга, уларнинг салоҳиятини ЎзРВБ олдига қўйилган вазифаларни бажаришда қўлланишига катта эътибор қаратилмоқда.

ЎзРВБ кадрлар сиёсати ходимларни танлаш ва қабул қилиш тизими, уларни рағбатлантириш ва баҳолаш дастури, ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш, шунингдек, адолатли иш ҳақи тизимини яратишни ўз ичига олган стандартларни

жорий этиш орқали профессионал ходимлардан иборат ягона кросс-функционал жамоани шакллантиришга қаратилган.

Кадрлар сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

ишга номзодларни қабул қилишда тенг имкониятларни тақдим этиш, ходимларни танлаш, ёллаш ва уларни ротация қилишда холисликни таъминлаш;

кадрлар танлашнинг кўп босқичли тизимини жорий этиш орқали кадрлар таркиби сифатини ошириш, кадрларнинг ўқиш, малака ошириш ва бошқа йўналишларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш;

ходимлар учун уларнинг рақобатбардошлигини оширадиган ривожланиш ва малака ошириш, доимий ўқитиш имкониятларини, шу жумладан мослашувчан бандлик ва таътил тизимини таъминлаш, шунингдек муносиб иш ҳақини таъминлаш;

ходимларни уларнинг ривожланиши, малака ва рақобатбардошлигини ошириши учун доимий ўқитиш, муносиб иш ҳақи билан таъминлаш ҳамда иш билан таъминлаш ва таътилга чиқиш мослашувчан тизимини тақдим этиш;

ташкилотнинг ривожланишига қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг илғор хорижий тажриба асосида ходимларнинг адолатли иш ҳақи ва самарали мотивация тизимини тадбиқ этиш.

Кадрлар сиёсатининг мақсадлари

ЎзРВБ кадрлар сиёсатининг асосий мақсади бўлиб қулай меҳнат шароитларини яратиш асосида ташкилотнинг жорий ва стратегик вазифаларини амалга оширишда ходимларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини таъминлаш, ходимлар манфаатлари ва эҳтиёжларига мувозанатли ёндашувни амалга ошириш ҳисобланади.

Кадрлар сиёсатининг иқтисодий мақсадига мувофиқ, бир томондан кадрлар салоҳиятини ривожлантириш учун харажатлар нисбатларини оптималлаштиришга ва ташкилотни ривожлантиришга ҳамда бошқа томондан максимал фойда олишга қаратилган қарорлар қабул қилинади.

Шу билан бирга, ҳар бир ходимнинг ижтимоий қадриятлари ва фаровонлигига эътибор қаратиш ЎзРВБда олиб борилаётган **кадрлар сиёсатининг ижтимоий мақсади** ҳисобланади.

Ижтимоий мақсадга эришиш учун ЎзРВБда иш ҳажмига мутаносиб адолатли иш ҳақи тизимини яратиш бўйича, меҳнатга ҳақ тўлашнинг оқилона тизими доирасида рағбатлантириш ва чекловлар, вазифалар, мажбуриятлар ва кўрсаткичларни, шунингдек меҳнат самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда тегишли чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Кадрлар статистикаси

2023 йили бошига ЎзРВБ ходимлари сони 55 киши, ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига эса 62 кишини ташкил этди.

ЎзРВБ ходимларининг умумий сонидан 19 киши - раҳбар ходимлар, 16 киши - мутахассислар, 22 киши - операцион ходимлар, 1 киши - техник ва 4 киши - хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳисобланади.

Гендер таркиб

2023 йил якунига кўра ҳодимлар умумий сонидан аёллар – 19 кишини (31 фоиз), эркаклар – 43 кишини (69 фоиз) ташкил этди.

Ходимлар маълумоти

Ҳисобот даври якунига кўра 62 ходимдан 54таси олий маълумотли, 8та ходим – ўрта махсус ва умумий ўрта маълумотга эга деб топилди.

ЎзРВБ ходимларининг ёш бўйича таркиби:

30 ёшгача - 17 киши;

31 ёшдан 39 ёшгача - 17 киши;

40 ёшдан 49 ёшгача - 19 киши;

50 ёшдан 59 ёшгача - 6 киши;

60 ёш ва ундан катта - 3 киши.

ЎзРВБда турли ёшдаги ходимларнинг мавжудлиги ишга қабул қилинган янги ходимларга тажрибали мутахассислардан мураббийлар тайинлаш учун имкон яратди.

Кадрлар сиёсати доирасида ЎзРВБ жамоага иқтидорли ва малакали ходимларни жалб этиш юзасидан фаол иш олиб бормоқда. Янги ходимларни жамоада ва иш жойида тезкор мослашишга кўмаклашиш мақсадида биржада welcome тренингларини ўтказиш амалиёти жорий этилган бўлиб, улар янги ходимларни компанияда фаолиятни муваффақиятли бошлаши учун барча зарур билим, воситалар ва ресурслар билан таъминлашга мўлжалланган.

Бундан ташқари, 2023 йил давомида ЎзРВБ талабалар ва ёш мутахассисларга касб танлаш, амалиёт ўташ, шунингдек, турли соҳа вакилларидан маслаҳатлар олишга кўмаклашиш мақсадида маҳаллий олий ўқув юртларида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида мунтазам иштирок этиб келди.

2023 йил давомида ходимлардан 16 киши, шу жумладан 9 аёл ЎзРВБни тарк этган бўлса, штатга 18 нафар мутахассис, шу жумладан 6 нафар аёл қабул қилинди.

Кадрларни ўқитиш

Ҳисобот йилида сифатли таълим тақдим этиш, ходимлар ўртасида эркин ва ижодий фикрлаш, жамоавий иш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш, биржа савдолари иштирокчилари ва аҳоли ўртасида молиявий саводхонликни ошириш бўйича ишлар давом эттирилди.

Мазкур ишлар доирасида ЎзРВБ таълим маркази фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириб келинди, жумладан, ЎзРВБ ходимлари ва биржа савдолари қатнашчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш, биржа соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш мақсадида олий ўқув юртлари билан кенг қамровли ҳамкорликни олиб бориш ҳамда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилди.


Ҳисобот йилида ЎзРВБнинг 23 нафар ходими, шу жумладан 5 нафар аёл таълим муассасаларида пуллик асосда ўз малакасини оширган.

Бундан ташқари, 2023 йил давомида ЎзРВБ ходимлари биржа ва молия соҳасини ривожлантириш, комплаенс маданияти, ҳуқуқий саводхонлик ва бошқа йўналишлар бўйича 14 дан ортиқ ўқув семинарларида иштирок этдилар.

Корпоратив бошқарув

ЎзРВБ ўз фаолиятини акциядорлик жамияти шаклида амалга оширади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бош директор) бошқарув органлари ҳисобланади.

«ЎзРВБ» АЖнинг ташкилий тузилмаси



Акциядорлар умумий йиғилиши

Акциядорлар ҳақида маълумот:

Акциядор номи	Устав фондидаги улуши, фоизда	Акциялар сони, (дона)
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	50,13	536 200
“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”	11,13	119 000
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	11,13	119 000
“Агробанк” АТБ	8,90	95 200
“Ипак йўли” АИТБ	8,90	95 200
ХАТБ “Ориент Финанс Банк”	5,76	61 600
АТ “Халқ банки”	4,05	43 400

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ЎзРВБнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши) ҳар йили 10 июндан 30 июнгача, молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ЎзРВБ Кузатув кенгаши таркибини сайлаш, шунингдек ЎзРВБ йиллик ҳисоботи, ЎзРВБ Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг ЎзРВБ Ривожланиш стратегияси мақсадларига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

2023 йил давомида ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ва навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик йиғилиши 2023 йил 23 май куни ҳамда навбатдан ташқари йиғилиши 2023 йил 18 декабр куни бўлиб ўтди.

Йиғилишларда қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоботлар, ташкилий ва бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан:

- ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқланди;

- ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркиби тасдиқланди;

-“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегияси мақсадларига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботи эшитилди ва тасдиқланди;

- “ЎзРВБ” АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегараси ЎзРВБнинг 2022 йил учун олинган соф фойдасининг 1 фоизи миқдорида белгиланди;

- “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси томонидан ЎзРВБда ўтказилган 2022 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси кўриб чиқилди;

ЎзРВБ Ижроия органининг 2022 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқланди;

ЎзРВБнинг 2022 йил якунларига кўра соф фойда акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимланди ҳамда қолган пул маблағлари ЎзРВБда тузилган биржа битимларини бажарилишини таъминлаш учун шакллантирилган Кафолат фондига йўналтирилди;

- ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзолари сайланди;

- ЎзРВБнинг 2022 йил учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни аудиторлик фаолияти стандартлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек СМК, СЙКнинг ҳисобланган миқдорларини текшириш учун “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди;

- “ЎзРВБ” АЖ Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди;

- “ЎзРВБ” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “ЎзРВБ” АЖ Ижроия органи тўғрисида”ги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқланди.

Кузатув кенгаши

ЎзРВБ акциядорлари вакилларидан иборат Кузатув кенгаши “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ЎзРВБ фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

ЎзРВБ Кузатув кенгаши таркиби:

№	Ф.И.О.	Лавозими
1.	Абубакиров Бобир Юлдашович	Кузатув кенгаши раиси
2.	Адилов Алимардон Абдуразакович	Кузатув кенгаши аъзоси
3.	Рузиев Фаррух Аралович	Кузатув кенгаши аъзоси
4.	Якубов Шухрат Исраилович	Кузатув кенгаши аъзоси
5.	Кахоров Эркин Азизжонович	Кузатув кенгаши аъзоси
6.	Миртурсунов Даврон Шавкатович	Кузатув кенгаши аъзоси
7.	Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович	Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар ҳам киритилиши мумкин.

Кузатув кенгаши фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш Кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан Кузатув кенгашига сайланган аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

Кузатув кенгаши аъзолари қонунчиликда ва ЎзРВБ уставида белгиланган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сон таркиби етти кишини ташкил этади.

Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши томонидан акциядорлик жамиятини бошқариш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажариш, шу жумладан ЎзРВБни ривожлантириш стратегияси доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Кузатув кенгаши фаолияти ЎзРВБ фаолиятини ривожлантиришга, шу жумладан биржа инструментларини янада кенгайтиришга, ички ҳужжатларни такомиллаштиришга, шунингдек, ЎзРВБ Ижроия органининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишга қаратилди.

Ҳисобот йилида ЎзРВБ Кузатув Кенгашининг 22та йиғилиши ўтказилган бўлиб, кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 82-сонли қарори ҳамда Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 14 январдаги 1/5-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, ДҚҚ бўйича аукцион натижалари ҳисоб-китобларини Т+2 ҳисоб-китоб режимида ҳам амалга оширишни жорий қилиш, ЎзРВБда РЕПО битимлари бўйича савдо ва ҳисоб-клиринг жараёнларини автоматлаштириш, дефолт-менежмент механизмларини жорий қилиш, валютавий своп, валютавий фьючерс операциялари бўйича ҳисоб-китобларда “LIBOR” ставкаси ўрнига “SOFR” ставкасини қўллаш, валютавий фьючерс шартномаларини сотиб олиш ва сотишда тўланиши лозим бўлган бошланғич маржа ставкасини 5 фоиздан 2 фоизгача тушириш, ЎзРВБнинг аъзолигига инвестиция воситачиси сифатида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият юритиш ҳуқуқини олган юридик шахсларни қабул қилиш ҳамда чет эллик номинал сақловчиларни ва чет эллик инвестиция воситачиларни ЎзРВБ аъзолигига қабул қилиш имкониятини яратиш мақсадида ЎзРВБнинг қуйидаги ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда давлат қимматли қоғозлари билан савдоларни ўтказиш қоидалари;

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари билан савдоларни ўтказиш қоидалари;

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш қоидалари;

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамиятига аъзолик тўғрисидаги Низом;

- ЎзРВБда воситачилик мукофоти (йиғимлар)ни ундириш тартиби;

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда валютавий фьючерс шартномаси билан операцияларни амалга ошириш бўйича биржа савдолари қоидалари.

2. Биржа бозорларида, ҳусусан ДҚҚ бозоридаги савдолар ҳажмининг ижобий тенденциясини сақлаш, савдо иштирокчиларининг кўникмаларини шакллантириш, воситачилик мукофоти миқдорларини оптималлаштириш орқали савдолар ҳажми ошиши ва кўлами кенгайишини рағбатлантириш мақсадида 2023 йил 1 майдан 2023 йил 30 июнга қадар дилерлараро РЕПО операциялари бўйича воситачилик мукофотини ундирмаслик бўйича қарор қабул қилинди.

3. ЎзРВБ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларни самарали меҳнат қилишга рағбатлантириш ҳамда иш ҳақини адолатли ҳисоблаш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ишга бўлган ташаббускорлигини ошириш ва уларни янада рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон республика валюта биржаси ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида”ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

4. 2022 йил учун ЎзРВБда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш мақсадида профессионал хизматларни тақдим этувчи мустақил ташкилотни танлаш учун танлов ўтказилди.

5. ЎзРВБнинг “А”, “В” ва “С” тоифалари бўйича аъзолигига тегишлича “Smart Bank”, “APEX BANK”, “HAYOT BANK” ва “YANGI BANK” акциядорлик жамиятлари ҳамда “Portfolio Investments”, “Leader Finance Capital”, “Premium Finance”, “Satori Capital”, “Toshkent Investitsiya Majmui” МЧЖлари қабул қилинди.

6. ЎзРВБ Ижроия органининг 2023 йил биринчи чораги, ярим йиллиги ва 9 ой натижалари бўйича ҳисоботлари тасдиқланди ҳамда ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини чақириш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

7. ЎзРВБ Ижроия органи раҳбари (Бош директор Р.Р. Усманов) билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати узайтирилди ҳамда 2024 йил учун бизнес-режа тасдиқланди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши қарори билан “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ таъсисчилигида “Миллий клиринг маркази” акциядорлик жамияти ташкил этилиши маъқулланди.

“Миллий клиринг маркази” АЖ устав капитали 5 млрд.сўм миқдорида белгиланди, шунингдек, уни ЎзРВБ ўз маблағларидан шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, “Миллий клиринг маркази” АЖ устав капиталининг миқдори кейинги босқичда 55 млрд. сўмгача етказилиши эълон қилинди. Устав капиталини ЎзРВБнинг кафолат фонди маблағлари ҳамда ЎзРВБнинг асосий воситалари кўринишидаги мол-мулклари, шу жумладан интеллектуал мулклари (ЎзРВБнинг ҳисоб-клиринг ва бошқа дастурий таъминотлари)ни баҳолатган ҳолда устав капиталига киритиш орқали шакллантириш бўйича қарор қилинди.

ЎзРВБ Кузатув Кенгашининг қарори билан “Миллий клиринг маркази” АЖга Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4-уйда жойлашган ЎзРВБ маъмурий биносининг бир қисмини ижарага бериш тўғрисида шартнома имзоланди.

Бундан ташқари, Кузатув кенгаши 2023 – 2025 йилларда капитал бозорини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” доирасида чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун малакали маслаҳатчилар, шунингдек, етакчи халқаро консалтинг ташкилотларини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил 23 октябр куни “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ аъзоларини ЎзРВБ аъзолигига қабул қилишнинг ягона соддалаштирилган тартиби тасдиқланди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ЎзРВБ Ижроия органи томонидан қимматли қоғозлар бозорида ахборотни ошкор қилиш тамоилига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширди.

Шу билан бирга, акциядорларга Ижроия органининг чораклик ҳисоботлари, молиявий ҳисоботлар, Кузатув кенгаши мажлислари қарорларидан кўчирмалар ва бошқа маълумотлар мунтазам равишда тақдим этиб келинди. Мазкур ҳисоботлар ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказиш ва ЎзРВБнинг бошқа фаолияти билан боғлиқ муҳим фактлар мунтазам равишда корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилди.

Ижроия органи

ЎзРВБнинг жорий фаолиятига раҳбарликни “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг Ижроия органи тўғрисидаги Низом”га мувофиқ фаолият кўрсатувчи ягона Ижроия органи - Бош директор амалга оширади.

ЎзРВБ Бош директори Кузатув кенгаши қарори билан тайинланади. Бош директорни тайинлаш тўғрисидаги қарор хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Бош директор ваколатлари, хусусан, қуйидагилардан иборат:

акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

штатларни тасдиқлаш, ЎзРВБнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар чиқариш;

ўз ваколатлари доирасида ЎзРВБ ички норматив ҳужжатларини тасдиқлаш;

ЎзРВБ аъзоларига биржа савдоларида қатнашиш ҳуқуқини бериш ва савдолардан вақтинча четлаштириш, биржа савдоларида қатнашаётган ходимларининг (трейдерларнинг) касбий малакасини оширишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

ЎзРВБнинг бизнес хатарларини ва Ижроия органининг жавобгарлигини суғурталаш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатларига кирган масалалардан мустасно равишда, ЎзРВБнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир бошқа масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш.

Шунингдек, Ижроия органи Кузатув кенгашига ЎзРВБ аъзоларини ўз таркибидан чиқариш масалаларини киритади ҳамда биржа савдоларида қатнашаётган ЎзРВБ аъзолари трейдерларининг касбий малакасини текширади.